

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг
ривожланиш бўйича 2025 йил
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



МУНДАРИЖА

1.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	3
1.1.	2024 ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, 2025 ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР	6
1.2.	ТЕХНИК СИЁСАТ	10
1.3.	ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	12
1.4.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ	13
2.	БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	14
2.1.	ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР	15
2.2.	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ	16
3.	ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ	16
4.	МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ	19
5.	МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ	20
6.	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ	21
7.	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РЕЖАСИ	21
8.	КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ	25
9.	ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ	29
10.	ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ	30
11.	ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР	31
12.	САРФ-ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ	32
13.	СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ	32
14.	САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	32
15.	ХАРИДЛАР РЕЖАСИ	34
16.	ХОДИМЛАР ВА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ	34




1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тугатилган “Ўзэлектртармоқ” УК ва “Ўзбекэнерго” АЖ нинг “Энергосотиш” филиали негизида ташкил этилган.


Ўзбекистон Республикасининг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, электр энергиясини Республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш, давлатлараро транзитни амалга ошириш, кўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг асосий фаолият турлари ҳисобланади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ таркибида жами 18 та ташкилот (таркибий бўлинмалар) мавжуд, жумладан 14 та ҳудудий магистрал электр тармоқлари, энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган “Энерго ИТ” филиали, “Магистралтармоққурилиш” филиали, “Энергомахсусавто” филиали, “Электро Коммунал Қурилиш” шулар жумласидандир.


Жамиятга қарашли 90 та подстанция, 12 250,45 км дан ортиқ 110-500 кВли магистрал ҳаво электр узатиш линиялари ва 542 та автомобиль ва махсус автотранспорт воситалари мавжуд.



Электр узатиш ҳаво тармоқларининг узунлиги (кучланиши бўйича)



Подстанция трансформаторларининг қуввати (кучланиши бўйича)



Подстанциялар сони (кучланиш бўйича)




“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сонли Фармонида, Жамиятнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Жумладан:

- ягона электр энергетика тизимининг реал вақт режимда ишончли ишлашини ва мувозанатини таъминлаш;
- тасдиқланган тарифлар асосида магистраль электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатиш хизматларини кўрсатиш;
- магистраль электр тармоқларини тасдиқланган дастурлар асосида ривожлантириш;
- қўшни мамлакатларнинг энергетика тизимлари билан барқарор боғланишни таъминлаш ва параллел ишлаш режимларини бошқариш.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01 www.uzbekistonmet.uz




Ижро этувчи аппарат ва янги таҳрирдаги ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг 2024 йил 24 июндаги 11-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби 222 штат бирлигидан иборат. 2025 йилга янги иш ўринлар сони 36 та яратилиши кутилмоқда.



Жамиятнинг бошқарув аппарати таркибий тузилмаси

“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati tuzilmasi
2024 йил 24 июндаги 11-сон қарори билан тасдиқланган



-*) “O‘zbekiston MET” АЖнинг ташкилий тузилмасида қируви филиаллар;
 -) “O‘zbekiston MET” АЖ марказий аппарати ҳодимларининг оқсанган сон - 222 биров;
 - Бошқарув раисат ишга жаъвали доирасида ҳодимлар сонига ўзгартириш қилитиш ҳуқуқиға жа.



1.1. 2024 ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, 2025 ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ электр энергиясини ягона харид қилувчи сифатида давлат хусусий шериклиги тамойили асосида лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилган (оширилаётган) лойиҳалар 57 тани ташкил этади. Шундан,

- Иссиқлик электр станциялари	11 та
- Қуёш электр станциялари	16 та
- Шамол электр станциялари	17 та
- Электр энергиясини сақлаш тизимлари	11 та
- Яшил водород	1 та
- Чиқинди газларини қайта ишлаш орқали электр энергия ишлаб чиқариш	1 та

Ушбу 57 та лойиҳанинг умумий қиймати 26 648,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, станцияларнинг умумий қуввати 25 066 МВт ни ташкил этади.

Бугунгача ишга туширилган лойиҳалар сони 17 тани ва уларнинг ўрнатилган қуввати 6 071 МВт ни ташкил этади. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 4 539,0 млн. АҚШ.доллари миқдориди.

1-жадвал

Шундан,

- Иссиқлик электр станциялари	8 та (қуввати 3 274 МВт)
- Қуёш электр станциялари	8 та (қуввати 2 297 МВт)
- Шамол электр станциялари	1 та (қуввати 500 МВт)

2024 йил якунига қадар ишга тушириладиган лойиҳалар сони 5 тани ташкил этади

2-жадвал

Қуёш фотоэлектр станциялари

1. Hyper Partners (Германия) компанияси билан музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 350,0 млн. АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 500 МВт ни ташкил этади. Наманган вилояти Поп туманида 2024 йилнинг декабрь ойида биринчи босқичи (200 МВт) 2025 йилнинг декабрь ойида якуний босқичи билан тўлиқ ишга туширилади (24.05.2024 йилдаги ПҚ-189-сон қарори).

Шамол электр станциялари

1. ACWA Power (Саудия Арабистони) компанияси билан тўғридан тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 600,0 млн. АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 500 МВт ни ташкил этади. Бухоро вилояти Гиждувон туманида 2024 йилнинг декабрь ойида биринчи босқичи (200 МВт) 2025 йилнинг май ойида якуний босқичи билан тўлиқ ишга туширилади (24.02.2021 йилдаги ПҚ-5001-сон қарори).

1. ACWA Power (Саудия Арабистони) компанияси билан тўғридан тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 600,0 млн. АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 500 МВт ни ташкил этади. Бухоро вилояти Пешку туманида



2024 йилнинг декабрь ойида биринчи босқичи (200 МВт) 2025 йилнинг май ойида якуний босқичи билан тўлиқ ишга туширилади (24.02.2021 йилдаги ПҚ-5003-сон қарори).

Электр энергиясини сақлаш тизими

1. Gezhouba (Хитой) компанияси билан 2023 йилнинг 27 январида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 144,0 млн.АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 150 МВт ни ташкил этади. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида 2024 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади (29.02.2024 йилдаги ПҚ-99-сон қарори).

2. Gezhouba (Хитой) компанияси билан 2023 йилнинг 27 январида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 144,0 млн.АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 150 МВт ни ташкил этади. Андижон вилояти Асака туманида 2024 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади (29.02.2024 йилдаги ПҚ-99-сон қарори).

Республикамызда 2030 йилгача Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида яна 36 та лойиҳа ишга туширилиши бўйича битимлар имзоланган

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 16 221,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 16 405 МВт ни ташкил этади. Шундан,

Иссиқлик электр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 3 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2 600,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 3 714 МВт ни ташкил этади.

Қуёш фотоэлектр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 9 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2 641,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 2 713 МВт ни ташкил этади.

Шамол электр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 13 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 9 524,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 8 600 МВт ни ташкил этади.

Электр энергиясини сақлаш тизими. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 9 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 239,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 1 210 МВт ни ташкил этади.

Чиқинди газларни қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар 1 та. Қиймати 55,0 млн.АҚШ.доллари бўлиб, қуввати 16 МВт ни ташкил этади.

Яшил водород ишлаб чиқариш лойиҳаси 1 та. Қиймати 62,0 млн.АҚШ. доллари бўлиб, қуввати 52 МВт ни ташкил этади.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР 1-жадвал

т/р	ДХШ лойиҳалари		Лойиҳа қуввати МВт	Ишга тушиш муддати	
1	Тошкент Қибрай тумани	вилояти	Акса Enerji (Туркия)	230	2022 йил, 16 март
2	Бухоро Бухоро тумани	вилояти		270	2022 йил, 11 январь
3	Тошкент Қибрай тумани	вилояти		240	2022 йил, 14 январь
4	Тошкент Қибрай тумани	вилояти	Cengiz Enerji (Туркия)	240	2022 йил, 31 март
5	Сирдарё Ховос тумани	вилояти		220	2022 йил, 20 ноябрь



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

6	Хоразм вилояти Янгиариқ тумани	Odaş Enerji (Туркия)	174	2022 йил, 10 март
7	Сирдарё вилояти Боёвут тумани ва Ширин шаҳри	ACWA Power (Саудия Арабистони)	1 500	I навбати - 2023 йил 20 октябрь; тўлиқ - 2024 йил сентябрь
8	Қашқадарё вилояти Нишон туманида	Aksa Enerji (Туркия)	400	I навбати - 2024 йил сентябрь; тўлиқ - 2027 йил октябрь
Жами ИЭСлари			3 274	
9	Навоий вилояти Кармана тумани	Masdar (БАА)	100	2019 йил 8 ноябрь, танлов (конкурс)
10	Самарқанд вилояти Нуробод тумани	Total Eren (Франция)	100	2019 йил 13 сентябрь, тўғридан-тўғри музокаралар
11	Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани	Masdar (БАА)	220	2021 йил 12 июль, танлов
12	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани	Masdar (БАА)	220	2021 йил 12 июль, танлов
13	Сурхондарё вилояти Шеробод тумани	Masdar (БАА)	457	2021 йил 2 август, танлов
14	Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани	Gezhouba (Хитой)	500	2023 йил 27 апрель имзолаш тўғридан-тўғри музокаралар
15	Қашқадарё вилояти Нишон тумани		500	
16	Тошкент вилояти Юқори чирчиқ тумани Ўзсувтаъминот	ACWA Power (Саудия Арабистони)	200	2023 йил 17 мартда тўғридан-тўғри музокаралар
Жами ФЭСлари			2 327	
17	Навоий вилояти Томди тумани	Masdar (БАА)	500	I навбати - 2023 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил август
Жами ФЭСлари			500	

Истиқболли лойиҳалар 2-жадвал

Истиқболли лойиҳалар

т/р	ДХШ лойиҳалари	Лойиҳа қуввати МВт	Ишга тушиш муддати	
2024 йил				
1	Наманган вилояти Поп тумани	Hyper Partners (Германия)	500	I навбати - 2024 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил декабрь
Жами ФЭСлари			1 500	
2	Бухоро вилояти Ғиждувон тумани	ACWA Power (Саудия Арабистони)	500	I навбати - 2024 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил май
3	Бухоро вилояти Пешқў тумани		500	
Жами ШЭСлари			1 000	
4	Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани	Gezhouba (Хитой)	150	I навбати - 2024 йил декабрь; тўлиқ - 2025 йил сентябрь 2022 йил, 10 март
5	Андижон вилояти Асака тумани		150	
Жами Электр энергиясини сақлаш тизимлари			300	
2025 йил				
1	Сурхондарё вилояти Ангор тумани	Stone City Energy (Нидерландия)	1 590	I навбати - 2025 йил октябрь; тўлиқ - 2026 йил март



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

2	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани	Cengiz Enerji (Туркия)	550	I навбати - 2025 йил май; тўлиқ - 2025 йил декабрь
3	Сирдарё вилояти Боёвут тумани	EDF- NEBRAS-Sojitz (Франция, Қатар ва Япония)	1 574	I навбати - 2025 йил сентябрь; тўлиқ - 2026 йил март
Жами ИЭСлари			3 714	
4	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани	Voltalia (Франция)	100	I навбати - 2025 йил февраль; тўлиқ - 2025 йил июнь
5	Бухоро вилояти Олот тумани	Masdar (БАА)	250	I навбати - 2025 йил февраль; тўлиқ - 2025 йил декабрь
6	Тошкент вилояти Бўка тумани	Datang (Хитой)	263	I навбати - 2025 йил июнь; тўлиқ - 2025 йил декабрь
7	Навоий вилояти Кармана тумани	Sinoma (Хитой)	300	I навбати - 2025 йил декабрь; тўлиқ - 2026 йил июнь
8	Самарқанд вилояти Нуробод тумани Сазағон-1	ACWA Power (Саудия Арабистони)	500	I навбати - 2025 йил сентябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь
9	Қашқадарё вилояти Ғузор тумани	Masdar (БАА)	300	тўлиқ - 2025 йил, декабрь
10	Навоий вилояти Нурота тумани	Gezhouba (Хитой)	300	I навбати - 2025 йил июль тўлиқ - 2026 йил декабрь
Жами ФЭСлари			2 013	
11	Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ва Қораузяк туманлари	ACWA Power (Саудия Арабистони)	100	I навбати - 2025 йил июль тўлиқ - 2025 йил октябрь
Жами ШЭСлари			100	
12	Хоразм вилояти Тупроққала туманида	Voltalia (Франция)	50	тўлиқ - 2025 йил декабрь
13	Тошкент вилояти Паркент тумани	Gezhouba (Хитой)	100	тўлиқ - 2025 йил декабрь
14	Тошкент вилояти Пискент тумани		100	
15	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани	Gezhouba (Хитой)	100	тўлиқ - 2025 йил декабрь
16	Наманган вилояти Уйчи тумани		100	
17	Наманган вилояти Поп тумани		100	
18	Андижон вилояти Асака тумани		100	
Жами Электр энергиясини сақлаш тизимлари			650	
19	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри (“Махам-Чирчиқ” АЖ заводида)	ACWA Power (Саудия Арабистони)	52	тўлиқ - 2025 йил декабрь
Жами Яшил водород ишлаб чиқариш			52	

1.2. ТЕХНИК СИЁСАТ

Энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистрал электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш;

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан электр тармоқлари режимларини мақбуллаштириш ва магистрал электр тармоқларини ривожлантириш;



Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизими (ERP) ҳамда диспетчерлик бошқаруви ва маълумотлар йиғиш тизимини (SCADA) жорий этиш;

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) ни тўлиқ ишга тушириш ҳамда CAS (Central AMI Systems-марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси тизими) тизимига маълумотларни узатилишини таъминлаш;

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ички истеъмолини камайтиришга эришиш.

Энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистрал электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш.

Жамият таркибидаги подстанцияларда босқичма-босқич модернизация ишлари олиб бориш ва 2022-2030 йилларда подстанциялардаги маънан ва жисмонан эскирган электр ускуналари ўрнига замонавий энергия самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни ўрнатиш дастурларини амалга ошириш.

Янги ишга туширилган энергия манбаларидан қувватларни узатиш ва барқарор энергия таъминотини яратиш ҳамда магистраль электр тармоқларини ривожлантириш мақсадида лойиҳалар асосида рақамлаштирилган электр тармоқларини қуриш ва ишга тушириш ишларини олиб бориш.

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва магистраль электр тармоқларини ривожлантириш.

Жамият бўйича электр энергиясини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирларни бажариш. Бунда подстанцияларда электр қурилмаларидан унумли фойдаланиш, ҳамда энергия тежамкорлик кўрсаткичлари юқори бўлган (А++,А+В) приборларни қўллаш.

2025-2026 йилларда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметларига (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарорининг 4-илоvasи*) эришиш мақсадида подстанцияларнинг ўз истеъмолини 2025 йилда 9,12 млн. кВт.соатга, 2026 йилда 9,11 млн.кВт.соатга қисқартиришга эришиш. Электр энергиясини магистраль тармоқлар орқали узатишдаги технологик сарфларни қабул қилинган энергияга нисбатан улушини 2025 йил учун тасдиқланган меъёрдан оширмаслик чораларини кўриш.

Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизими (ERP) ҳамда Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий қилиш.

(ERP) ва (SCADA) лойиҳаларини 2021-2024 йилларда жорий этиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда (SCADA) лойиҳа ТИАси «EDF-SIST» (Франция) консалтинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февралдаги ПҚ-113-сон қарори билан тасдиқланган. (ERP) лойиҳа ТИАси “FORS SA SOLUTIONS” МЧЖ (Ўзбекистон) компанияси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 февралдаги 68-сонли қарори билан тасдиқланган.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни тўлиқ ишга тушириш .

Жамиятнинг барча подстанциялардаги электрон ҳисоблагичлар CAS (*Central AMI Systems-марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси тизими*) тизимига маълумотларни узатилишини таъминлаш мақсадида барча подстанциялардаги мавжуд электрон ҳисоблагичлар,



марказга узатиш имкониятига эга бўлган хисоблагичларга алмаштирилди ва сим карталар ўрнатилиб ишга туширилди. Бундан буён тасдиқланган методикага асосан подстанцияларнинг энергия балансини шакллантириш ва турдош ташкилотлар ўртасидаги энергия оқими ҳажмини инсон омилисиз аниқлаш мақсадида энергия ҳажми бўйича электрон хисоботни шакллантириш лозим бўлади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда 2030 йилгача электр энергиясини хўжалик истеъмолини 50 фоизга қисартиришга эришиш.

Жамият объектлардаги хўжалик энергия истеъмолини 2030 йилгача 50 фоизга қисқартириш ва энергиядан самарали фойдаланиш мақсадида 2025 йилда Жамият филиалларида бино-иншоотлари ва подстанцияларда қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Хусусан, “Фарғона МЭТ” филиали Ўзбекистон-500 кВ подстанциясида қуввати 50 кВт ва “Самарқанд МЭТ” филиали Сўғдиёна-500 кВ подстанциясида 30 кВт, жами қуввати 80 кВт қуёш панеллари ўрнатиш. Бино-иншоотларда характ датчикларни ўрнатиш ҳамда белгиланган тадбирларни бажариш орқали электр энергиясини ўз ва хўжалик эҳтиёжи истеъмолини 15 фоизга қисқартиришга эришишни таъминлаш.

1.3 ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сон қарорининг 5-илоvasи 28.5-банди билан тасдиқланган 2025-2026 йилларда иқтисодийнинг реал сектори тармоқлари томонидан янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйхатига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан 2025 йил хар ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ва Энергетика вазирлигига ахборот киритиб бориш.

Ўзбекистон электр энергетика тизимининг интерактив моделини янгилаб туриш. Магистрал электр тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва узоқ муддатли концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этиш. Ишлаб чиқилган дастур ва концепция асосида иш юритиш.

2025-2030 йиллар “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва Энергетика Вазирлигига таклифлар киритиш. Электр тармоғига уланишни режалантирилган ФЭС, ШЭС, ЭЭСТ, ИЭСни тармоққа таъсирини ўрганиш бўйича хисоботлар DLG SILENT POWER FACTORY дастурида фойдаланиб ишлаб чиқиш. Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан ишлаб чиқилган 2030-йилгача Ўзбекистон энергетика тизимини ривожлантириш концепциясига асосан DLG SILENT POWER FACTORY дастурий таъминотида энергетика тизимининг 2025-2026 йиллар учун бўлган моделини ишлаб чиқиш.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ тасарруфига кирувчи подстанцияларнинг трансформаторлари ва линияларнинг кунлик юкламаларининг хисоботларини доимий кузатиб бориб, ўта юкланганлик ҳолати кузатилган трансформатор ва линияларни юксизлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу бўйича таклифларни тақдим этиш.

Ишга туширилган лойиҳалар учун ишлаб чиқилган қувват узатиш схемасини кўриб чиқиб ва келишиш. Янги қуриладиган объектларини электр энергетика тизим статик ва динамик турғунлигига таъсирини ўрганиш, хисоботларни кўриб чиқиш ва келишиш. Магистрал электр тармоқларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.



Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида, электр тармоқлари ривожлантиришда асосий қувватларни киритиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш.

2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш борасида 7 та трансформатор, 39 та ўчиргич, 706,5 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоқларини мукамал ҳамда 304 та трансформатор, 1 643 та ўчиргич, 12 та компрессор қурилмаси ва 5 451,1 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

1.4. МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (10 ЙИЛЛИК) ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлари бўйича “Тошкент вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 15-сонли баённинг 99-банди 2-хат бошида “Магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялашнинг узоқ муддатли (10 йиллик) дастури”ни ишлаб чиқиш “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга юклатилган.

Мазкур лойиҳа доирасида “МРС Групп” (Испания) компаниясининг консультантлари “Тармоқ ўтказувчанлиги қобилиятининг дастлабки таҳлили” ҳисоботини ҳозирги кунда тўпланган маълумотлар асосида “қайта тикланувчи энергия манбаларининг ягона энергетика тизимининг мавжуд ҳолати бўйича уланганда уларнинг тизимга таъсири” юзасидан ҳисоботини қайта кўриб чиқиб, ягона энергетика тизимига 1,2 ГВт қуёш, 0,9 ГВт шамол электростанцияларини улаш имконияти мавжудлиги тўғрисида дастлабки хулоса хатини киритган.

Маълумот учун: 2026 йилга қадар давлат хусусий-шериклик тамойили асосида умумий қуввати 10 221 МВт бўлган қуёш (2 197 МВт 11 та лойиҳа), шамол (1 800 МВт 5 та лойиҳа) ва иссиқлик (6224 МВт 9 та лойиҳа) электр станциялари ишга туширилиб, ягона энергетика тизимига уланиши режалаштирилган.

2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий қувватлари 12 ГВтни ташкил этилишини ҳамда ушбу қувватни тизимга интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги 4 275,6 км узунликдаги 500 кВли, 3 515,8 км узунликдаги 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда 17 та 500 кВли, 30 та 220 кВли подстанцияларни қуриш талаб этилади. Жумладан:

2027-2030 йилларда 25 та лойиҳа доирасида 2843,3 км 500 кВли ҳаво электр узатиш тармоқлари, 6 та 500/35 кВли, 4 та 500/220/110 кВли подстанциялар ҳамда 15 та лойиҳа доирасида 922,18 км 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқлари, 4 та 220/35 кВли, 5 та 220/110 кВли подстанцияларни қуриш, модернизация дастури доирасида 23 та подстанцияда трансформаторлар қувватининг оширилиши лозим.



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастур доирасида 2030 йилга қадар кўзда тутилган электр узатиш тармоғи ва подстанциялар қурилиши мақсадлари учун жами 3 702,9 млн доллар миқдорида маблағ талаб этилади.

- | | |
|----------------------------------|--------------------------------|
| - 2024 йилда 435,2 млн доллар; | - 2025 йилда 405,8 млн доллар; |
| - 2026 йилда 1 166,3 млн доллар; | - 2027 йилда 805,1 млн доллар; |
| - 2028 йилда 403,9 млн доллар; | - 2029 йилда 158,2 млн доллар; |
| - 2030 йилда 328,4 млн доллар. | |

Хозирги кунда магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш бўйича Хукумат қарори ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирликлар билан келишилмоқда.

2. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви органлари Ягона акциядори, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати таркибидан иборат.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг барча оддий акциялари Ягона акциядорга - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмасдан Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилинади.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига томонидан қабул қилинади ва ёзма равишда ижро этилади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув аппарати 5 аъзодан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва тўрт нафар бошқарув раиси ўринбосарлари. Жамият Ижроия органи “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг қарорига биноан ҳамда жамият Кузатув кенгашининг йиғилиш баёнига мувофиқ лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг устав капитали 5 113 388 761 500 (беш триллион бир юз ўн уч миллиард уч юз саксон саккиз миллион етти юз олтмиш бир минг беш юз) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 51 133 887 615 дона оддий акциялардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-283-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекистон МЭТ” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар ҳамда устав капиталига кўшилган активлар ҳисобига кўшимча чиқарилган акциялар Давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

2.1. ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР (млн.сўм)

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	2021 йилда олинган даромад (дивиденд)
1. Тизимдаги корхоналар					
1	“Электро Коммунал Курилиш” МЧЖ	100	144,0	Курилиш ва пардозлаш ишлари	
2. Носоҳавий активлар					
2	“Ўзбекистон саноат-курилиш банки” АКБ	0,025	1 106,7	Банк хизматлари	

№	ФИШ	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Давлат муассасаси	Йирик акциядор-100% (51 133 887 615 дона оддий акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2	Қўчқоров Жамшид Анварович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири (Кузатув кенгаши раиси 2024 йилдан)	
3	Назаров Азизхон Бахром ўғли	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Департамент директори биринчи ўринбосари (2024 йилдан)	-
4	Қобилов Азизхўжа Очилович	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари (2024 йилдан)	-
5	Жумаев Азизжон Холмухаммедович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари (2024 йилдан)	-
6	Мамадаминов Умид Маҳмудович	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари (2024 йилдан)	-
7	Wahid Tawfik	Мустақил аъзо (2024 йилдан)	-
8	Csaba Baji	Мустақил аъзо (2024 йилдан)	-



Ижроия органи

1	Исакулов Дадажон Айнакулович	Бошқарув раиси (2019 йилдан)	-
2	Назиров Абдумалик Абдусалимович	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари (2022 йилдан)	-
3	Артиков Собир Садуллаевич	Бошқарув раисининг стратегик ривожлантириш, трансформация, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари (2019 йилдан)	-
4	Қурбонов Феруз Мустафоевич	Бошқарув раисининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари (2020 йилдан)	-
5	Юлдашев Акбархон Аббасович	Бошқарув раисининг иқтисодий ва тижорат масалалари бўйича ўринбосари (2023 йилдан)	-

3. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сон қарори, 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони, 2022 йил 3 февралдаги “Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-113-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги “Республика электр энергетика тармоғи корхоналарини трансформация қилиш, уларнинг операцион бошқарув тизимида етакчи мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш, шунингдек, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 210-Ғ-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сон Фармони ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан,

- Энергокомпанияларда чуқур диагностика ўтказиш ва тизимли камчиликларни аниқлаш, ҳаражатларни қисқартириш ва замон талабларига жавоб берадиган операцион бошқарув тизимини яратиш бўйича “McKinsey&Company” (МакКинсей) халқаро консалтинг компанияси жалб этилди. Мазкур халқаро консалтинг компанияси тавсияларини босқичма-босқич амалга ошириш ҳисобига 2026 йил якунига қадар 1,1 трлн сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилади. 2024 йил якунлари билан операцион самарадорлик 850,0 млрд сўмдан ортиқни ташкил этади.



- Жамият томонидан мулкларни бегоналаштиришда, уни сотишда, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишда, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланишда мажбурий тарзда ушбу корхоналар Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилди;

- Корпоратив бошқарув тамойиллари халқаро стандартларга мослаштирилди, жумладан “Сифат менежменти тизими” бўйича (ISO 9001:2015) халқаро стандарти ва “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” бўйича (ISO 37001:2016) халқаро стандарт сертификатлари олинди. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими” бўйича (ISO 14001:2015), “Меҳнат хавфсизлиги ва саноат хавфсизлигини бошқариш тизими” бўйича (ISO 45001:2018) ва “Энергия бошқаруви тизими” бўйича (ISO 50001:2018) халқаро стандартлари жорий этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жаҳондаги йирик тўртта аудитор-консалтинг компанияларидан бири ҳисобланган, “Ernst & Young” компанияси томонидан “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг 2019-2023 йиллардаги ҳисоботлари учун ижобий аудиторлик хулосалари олинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармони ижроси бўйича “Fitch Ratings” “Ўзбекистон МЭТ” АЖ га биринчи марта эмитентнинг узок муддатли “Б” барқарор даражасидаги халқаро кредит рейтингини тақдим этди;

- Ходимлар сиёсатини ривожлантириш, уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, хусусан, ахборот инфратузилмасида марказий аппарат ва барча филиаллардаги ахборот ва киберхавфсизлик бўйича масъул ходимлари малакасини ошириш, соҳага оид хорижий тажрибаларни ўрганиш, жамиятнинг трансформация қилиш ҳамда бошқарув сифатини яхшилаш чоралари кўрилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-168-сон қарорига кўра Жамиятнинг асосий фаолиятига оид бўлмаган вазибаларни қисқартириш бўйича чоралар кўрилди. Жумладан, Наманган ТСК, Нурафшон санаторияси, Тошкент ТСКлар Давлат активларини бошқариш агентлигига, Бўстонлиқ туманида жойлашган Қоронкўл дам олиш маскани ва Ўртачирчик туманида жойлашган Қалдирғоч дам олиш оромгоҳи Сув спорти олий маҳорати мактабига белгиланган тартибда топширилди. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ 100 фоиз улушга эга бўлган “Энергомахсусавто” МЧЖ Ягона акциядоримизнинг 2023 йил 19 апрелдаги 1-сон қарори билан Жамиятимиз таркибига қўшиб юбориш йўли билан “Ўзбекистон МЭТ” АЖ филиали шаклида қайта ташкил этилди. Жамиятимиз таъсисчилигидаги “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ, Савдоэнерго АЖ ва “Gridcon” МСНЛари ҳам белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги топширилди. Операцион харажатларни камайтириш ва асосий фаолиятга оид бўлмаган шўба корхоналарини оптималлаштириш ҳисобига тизим ташкилотларимиз сони 30 тадан 19 тага қисқарди.

Жамиятда рақамли трансформацияни ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан,



▪ “Ўзассистем” ҚҚ томонидан DigSilent Power Factory дастурий таъминотида «Ўзбекистон Республикаси энерготизимидаги электр тармоқларининг рақамли модели ва интерактив харитаси» ишга тушди.

▪ Харидлар жараёнининг шаффофлиги таъминланди. Барча харидлар коррупциявий рискларни минималлаштириш ва инсон омилини қисқартириш мақсадида (xarid.uzex.uz, xt-xarid.uz va newcooperation.uz) электрон савдо тизимлари орқали амалга оширилмоқда. Харидлар жараёнини рақамлаштириш бўйича янги дастурий таъминот тизими яратилди. Унда харидлар бўйича талабномаларни шакллантириш, оғбор ва заҳира имкониятларини текшириш, мажбурий маркетингдан ўтказиш, харидларни амалга ошириш, шартномалар ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот тизими яратилди.

▪ Жамиятимизнинг Cloud (Облако) сервер ва у билан боғловчи дастурий таъминот тизими яратилди. Яъни булутли провайдер инфратузилмасига жамиятимизга оид бўлган ахборот ресурслари электрон равишда тўплаб борилади ва ундан барча ходимларимиз дунёнинг исталган нуқтасидан туриб тўлиқ имкониятда фойдаланишлари ва ўз иш фаолиятларини юритишлари мумкин.

2025 йилда ҳам “Ўзбекистон МЭТ” АЖда трансформация жараёнларини жадал давом эттириш чоралари кўрилади. Жумладан:

• Жамият ҳаражатларини қисқартириш ва фаолият бўйича кўшимча даромад манбаларини топиш устида ҳар бир ташкилий тузилмалар кесимида ишлар олиб борилади;

• Жамиятнинг 2024 йил учун Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича ижобий аудиторлик хулосалари олинади;

• Жамият фаолиятининг бизнес модели ишлаб чиқилади;

• Кадрларни бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида, энг яхши амалиётларга мос HR-стратегия ишлаб чиқилади ва жорий этилади;

• СЕО-3 даражасигача бўлган раҳбар ва ходимларнинг малака талаблари ишлаб чиқилади;

• Янги ҳисоб сиёсати (бухгалтерия, солиқ ва бошқарув ҳисоби) ишлаб чиқилади;

• Замонавий хавф-хатарларни бошқариш тизими “Риск манагмент” ни жорий этиш ва ИСО 31000 Хавфларни бошқариш стандартини қабул қилиш чоралари кўрилади;

• ISO 9001, 37001, 14001, 45001 ва 50001 халқаро стандартларини янгилаш ва оралиқ аудит текширувларини ўтказиш чоралари кўрилади;

• Замонавий рақамли бизнес технологиялар асосида ИТ-архитектура ишлаб чиқилади;

• “Экология, ижтимоий сиёсат ва корпоратив бошқарув (ЭСГ)” ҳамда “Корпоратив ижтимоий масъулият (ССР)” тамойилларини жорий этиш ишлари бошланди;

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқларини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 3 февралдаги ПҚ-113-сонли қарорига кўра “Ўзбекистон МЭТ” АЖда юқори кучланишли электр узатиш тармоғи тизимини мониторинг қилиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган (SCADA) “Диспетчерлик назорати ва маълумотларни йиғиш” ҳамда (ЭМС) “Электр энергияси оқимини бошқариш” бўйича замонавий рақамли технологияларга асосланган дастурий комплексни жорий этиш ишлари давом эттирилади. Лойиҳа доирасида 125 та подстанцияда рақамли қурилмалар ўрнатилади ва 3 162 км оптик толали алоқа тармоқлари тортилади;




• Мазкур ПҚ-113-сон қарорга кўра (ЭРП) “Ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими”ни яратиш бўйича ҳам ишларни жадаллаштириш чоралари кўрилади.

4. МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда 2025 йилда Магистрал электр тармоқлари орқали транспортировка қилинадиган электр энергиясининг прогноз ҳажми 76,1 млрд кВт.с.ни ва электр энергиясини узатишдаги технологик сарф 2,4 млрд кВт.с.ни ташкил этиши кутилмоқда.

Электр энергияси транспортировкаси, (млрд. кВт.с)



Изоҳ: *Электр энергиясини транспортировка қилиш ҳажми прогнозига электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмоли балансининг тасдиқланишига қараб ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги технологик сарфлар кўрсаткичи

млн.кВтс.

Т/р	Йиллар	Электр тармоқларига жами қабул қилинган электр энергия	Технологик йўқотиш	фоиз
1	2023 йил амалда	86 952,3	2 055,2	2,54
2	2024 йил кутиляётган	92 100,0	2 093,8	2,48
3	2025 йил прогноз	95 210,0	2 330,0	2,44

2025 йилда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини миқдори ошиши натижасида магистрал электр тармоқларига электр энергияси қабули 2024 йилга нисбатан 3 110,0 млн.кВт.с.га ортиши кутилмоқда.

Бу ҳолат ўз навбатида тармоқлардаги технологик йўқотишларни ортишига олиб келади. Магистрал электр тармоқлардаги технологик сарфларни улушини олдинги йилдан ошмаслиги ва 0,04 фоизга камайтириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши “Техник сиёсат” да белгилаб олинган:



1. Подстанцияларда ўз истеъмолини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш;
2. Ўлчов мажмуасидаги электр ускуналарини даврий кўригидан мунтазам равишда ўтказиб туриш;
3. Қайта тикланувчи энергия манбаларини (куёш панелларини ўрнатиш) жорий этиш.
4. Электр энергияси оқимларини назорат қилиш ва инсон омилини камайтириш мақсадида (АСКУЭ) Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ ишга тушириш;
5. Қўшни давлатларга яқин бўлган вилоятларга электр энергиясини узатиш масофасини қисқартириш орқали яъни оптимал таъминотни яратиш натижасида технологик сарфларни камайтиришга эришиш;
6. Реактив қувватлар оқимларини таҳлил қилиб бориш ва белгиланган меъёрдан ортиб кетиш ҳолларда тегишли чоралар кўриш. Илмий таҳлилларга асосан подстанцияларда реактив қувват манбаларини ўрнатиш ишларини ташкил этиш;
7. Юқори кучланишли электр тармоқларида электр энергиясини узатиш ва эскирган ҳамда ишдан чиққан электр технологияларни замонавий энергия тежамкор ускуналар билан алмаштириш белгилаб олинган.

5. МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ 2024 йил 1 июлдан бошлаб электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функцияси “Ўзэнергосотиш” АЖга ўтказилиб, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини транспортировка қилиш хизмати орқали молиявий фаолияти бўйича даромади шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги “Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 310-сонли қарорига мувофиқ 2025 йил учун магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини транспортировка қилиш тарифининг дастлабки ҳисоб-китоблари амалга оширилди, бунда 1 кВт соат электр энергиясини транспортировка қилиш тарифи 75 сўмни ташкил этди. Ушбу тариф билан жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари ҳисоб-китоби куйидагича:

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг 2025 йил учун кутилаётган бизнес-режа бўйича соф тушум режаси 5 156,0 млрд.сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 3 202,9 млрд.сўмни, давр харажатлари 553,7 млрд.сўмни, молиявий фаолият харажатлари 667,8 млрд.сўмни ва молиявий-хўжалик фаолияти солиқ тўлангандан кейинги фойда 643,8 млрд.сўм миқдорида фойда билан яқунланиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 2025 йилда ўз маблағлари ҳисобидан 565,8 млрд.сўм миқдорида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва халқаро молия институтлари ва республика тижорат банкларидан жалб қилинган кредитлар бўйича 53,19 млн АҚШ доллари ва 206,5 млрд.сўм миқдорида миллий валюта тўловлари амалга ошириш ҳамда Давлат хусусий шерикчилиги асосидаги ишга туширилаётган станцияларни инфратузилмаларига (электр тармоғини ва ПС қуриш) кетадиган 51,1 млн.долл харажатни 2025 йилда қайтариш режалаштирилмоқда.



2025 йилга кутилаётган молиявий кўрсаткичлар.

млн.сўм

№	Номи	2025 йил прогноз	жумладан			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1	Соф тушум (ҚҚС сиз)	5 155 982	1 340 893	1 186 875	1 247 143	1 381 071
	шунингдек бошқа даромадлар	60 000	15 000	15 000	15 000	15 000
2	Ишлаб чиқариш таннари	3 202 895	841 811	749 171	757 971	853 943
2.1.	Ёқилғи	22 741	5 726	5 505	5 688	5 823
2.2.	Электроэнергия, шу жумладан:	1 377 437	403 589	294 208	295 306	384 334
	Магистрал тармоқлар бўйича эл.энергия йўқотишлари	1 377 437	403 589	294 208	295 306	384 334
2.3.	Таъмирлаш ишлари	22 421	4 332	7 848	6 755	3 487
2.4.	Амортизация	1 252 897	310 605	310 832	314 172	317 288
2.5.	Иш хақи	309 461	67 056	73 332	80 978	88 094
2.6.	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	217 938	50 503	57 447	55 072	54 916
3	Давр харажатлари	553 673	121 361	146 563	134 617	151 131
3.1.	Иш хақи	299 974	64 042	83 659	72 886	79 387
3.2.	Солиқ ва йиғимлар	102 677	23 700	26 189	26 351	26 437
	<i>суб ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</i>	<i>347</i>	<i>82</i>	<i>87</i>	<i>89</i>	<i>89</i>
	<i>мол-мулк солиғи</i>	<i>77 146</i>	<i>17 491</i>	<i>19 822</i>	<i>19 892</i>	<i>19 942</i>
	<i>ер солиғи</i>	<i>25 184</i>	<i>6 126</i>	<i>6 281</i>	<i>6 371</i>	<i>6 407</i>
3.3.	Бошқа давр харажатлари	151 022	33 620	36 715	35 380	45 307
	Ижара, банк хизмати, жарима ва пенялар ва бошқалар	151 022	33 620	36 715	35 380	45 307
	Кўзда тутилмаган харажатлар (бино қурилиши, хомийлик ёрдами, фонд ва бошқалар	0	0	0	0	0
4	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	667 768	141 464	170 527	177 713	178 064
	Фоизлар шаклидаги харажатлар	376 619	89 284	91 453	95 331	100 552
	Валюта курси фарқидан зарарлар	291 148	52 179	79 075	82 382	77 512
5	Солиқ тўлагунга қадар олинадиган фойда	731 646	236 257	120 614	176 842	197 933



6	фойда солиғи	87 798	28 351	14 474	21 221	23 752
7	Солиқ тўлангандан кейинги фойда	643 848	207 906	106 140	155 621	174 181

Изоҳ: Электр энергиясини транспортировка тарифи ўзгарганда ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмоли баланси тасдиқланганда молиявий кўрсаткичлар прогнозига ўзгартиришлар киритилади.

6. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

1.1. МҲХС/ИФРС стандартларига мувофиқ ҳисобот юритишга ўтиш

2020 йил 24 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли Қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) га ўтишни амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ МҲХС ва БҲМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритилмоқда. ЭРП тизими жорий этилгандан кейин бухгалтерия ҳисоби тўлиқ МҲХС стандартига ўтказилади.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил молиявий ҳисоботи МҲХС стандартига трансформация қилинган ва аудитдан ўтказилган. 2024 йил учун молиявий ҳисобот трансформация жараёнида.

1.2. Молиявий ҳисоботнинг аудити ўтказилиши

“Эрнст & Ёунг” компанияси «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг 2019-2023 йиллар учун МҲХС стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботини аудитдан ўтказди. 2023 йил учун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг аудиторлик ҳисоботи 2024 йил 2-чорагида тақдим этилди.

1.3. 2025 йилда амалга оширилиши кутилаётган режалар

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини жорий этиш мақсадида, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг янги ҳисоб сиёсати МҲХСга мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.

2024 йил учун консолидациялашган МҲХС аудиторлик ҳисоботини 2025 йилда олиш кутилмоқда.

7. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РЕЖАСИ

2025 йил янги ишлаб чиқариш қувватларни яратиш, модернизация ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларни реконструкция қилиш бўйича 15 та йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда, уларнинг умумий қиймати 1 670,80 млн. АҚШ долл. бўлиб, 2025 йилда 405,80 млн. АҚШ долл. ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Жумладан:

- Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар – 165,30 млн. АҚШ долл.;
- Соҳа маблағлари – 39,50 млн. АҚШ долл.;
- Тижорат банк кредитлари – 1,0 млн. АҚШ долл.;
- Бошқа хорижий инвестициялар – 200,0 млн. АҚШ долл.;



Шундан:

- 11 та лойиҳа янги қурилиш – 328,7 млн. АҚШ долл.;
- 4 та лойиҳа модернизация ва реконструкция – 77,1 млн. АҚШ долл.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ўзининг бир қатор вазифалари амалга ошириш билан бирга юқори кучланишли электр тармоқларини қуриш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, объектларни молиялаштириш ҳамда уларни амалда бажарилиши учун йиллик ва истикболли электр тармоқларининг қурилиш дастурларини ҳам амалга оширади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан 2025 йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция дастури режасини ВМ қарорига асосан амалга оширилиб келинмоқда.

Жамият томонидан инвестиция лойиҳаларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни мамлакат ҳукумат томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун барча чоралар қўрилмоқда. 15 та инвестиция лойиҳалар бўйича тармоқ ва босқичма-босқич жадваллари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, Дастурда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бутун республика, шунингдек алоҳида электр марказлари учун электр таъминотининг ишончлилигини оширишга ёқилғи-энергетика ресурслари, айниқса табиий газ истеъмолини камайтиришга, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга, паст кучланишли электр тармоқларини ва қайта тикланадиган манбаларни ривожлантиришга қаратилган.

Соҳани ривожлантириш дастури лойиҳасига киритилган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истеъмоли қилинадиган электр энергияси учун тушумларини қўпайтириш ҳисобига саноатнинг ўз маблағларини топиш бўйича ишларини давом эттиради.

2024-2025 йилларда инвестиция лойиҳаларни амалга ошириладиган янги, модернизация ва реконструкция қилиш учун инвестициялар динамикаси.

млн. АҚШ долл.

Номи:	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил чораклик қарорларига асосан*		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил ___ги ПҚ-___ қарорига асосан	
	Жами капитал қўйилмалар 2024 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари	Жами капитал қўйилмалар 2025 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари
Жами:	430,60	62,2	405,80	39,5
янги қурилиш	372,2	58,2	328,7	36,0
модернизация ва реконструкция	48,4	4,0	77,1	3,5



Изоҳ: *2024 йил учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори тасдиқланмаган. Ҳар чораги учун Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тасдиқланган.



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

Амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

Т/ Р	Ташаббускор ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати* млн долл.	01.01.2025 кутилаётган қолдиқ, млн долл.	2025 йилда ўзлаштириш прогнози					2025 йил			
				Жами, млн долл.	Ўз маблағлари	Тижорат банк кредитлари	Давлат кафолати остидаги кредитлар	Бошқа хорижий инвестициялар	И чорак	ИИ чорак	ИИИ чорак	ИВ чорак
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Инвестиция дастури		1 670,8	1 138,7	405,8	39,5	1,0	165,3	200,0	32,4	55,8	108,8	208,8
1	Узунлиги 127 км бўлган 500 кВли “Саримой” (Хоразм вилояти) – “Жонкелди” (Бухоро вилояти) юқори кучланишли электр узатиш тармоғини қуриш	56,0	28,9	20,3			20,3		2,0	4,0	7,9	6,4
2	Янги 500 кВ кучланишли “Халқа” подстанцияси ва 220 кВ, 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқлари қуриш	149,2	44,9	43,4			43,4		2,9	6,6	11,2	22,7
3	“Ургут” ЭИЗнинг “Мерганчи” ҳамда “Сариктепа” мавзеларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида 220 кВ кучланишли ҳаво тармоғи ва янги 220/110/10 кВли подстанция қуриш	25,5	24,20	10,0	10,0				1,0	2,0	4,0	3,0
4	Технопаркни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 220 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ва подстанцияни қуриш	30,0	6,0	6,0	6,0				1,0	2,0	2,0	1,0
5	Нуробод туманида қуриладиган қуёш фото электр станциясини 1000 МВт ягона электр энергетика тармоғига улаш	12,4	12,4	7,0	7,0				0,5	2,0	2,5	2,0



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

6	220 кВли Л-17-А, Л-17-Д, Л-17-Бесопан ва Л-17-Х-4” ҳаво узатиш тармоқларидан Навоий иссиқлик электр станциялари 650 МВт қувватли 3-буғ-газ қурилмасини доирасида янги 220 кВга “кириш-чиқиш” ҳаво узатиш тармоқларини қуриш	3,0	3,0	3,0	3,0					1,0	1,0	1,0
7	220 кВли Тошкент иссиқлик электр станцияси подстанциясини "Келес" ҳаво электр узатиш тармоғини қуриш	23,0	18,7	1,0		1,0			0,5	0,5		
8	"Ҳазорасп" ЭИЗ ҳудудида" 110/10 кВли "Ҳазорасп" подстанциясини 220 кВга ўзгартириш ва қуввати 200 МВА бўлган 2 та автотрансформатор ўрнатиш шунингдек, 220 кВли ҳаво тармоғини қуриш	15,0	14,8	10,0	10,0				1,0	2,0	4,0	3,0
9	Диспéтчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (ССАДА) жорий қилиш	125,0	103,0	20,0			20,0		1,5	2,8	3,2	12,5
10	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭРП) жорий этиш	26,0	21,0	8,0			8,0		0,5	1,5	4,0	2,0
11	Навоий кон-металлургия комбинатидан ўтказилган подстанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш	10,0	7,3	0,5	0,5							0,5
12	Магистрал электр тармоқ подстанциялари ишончлилигини ошириш (подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш (фаза-1) доирасидаги ишларни яқунлаш)	3,0	3,0	3,0	3,0				0,5	1,0	1,0	0,5
13	Магистрал электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш (ХЛ)	167,9	111,0	32,4			32,4		2,5	4,9	7,5	17,5
14	Магистрал электр тармоқ подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш (Фаза-ИИ)	174,8	90,5	41,2			41,2		3,5	5,5	10,5	21,7
15	Электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларни қуриш	850,0	650,0	200,0				200,0	15,0	20,0	50,0	115,0



8. КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2025 йилда кутилаётган кредит тўловлари.

Миллий валютада 205,6 млрд сўм, шундан асосий қарз учун 156,1 млрд сўм ва унга ҳисобланган фоизларга 49,5 млрд сўм маблағ йўналтирилади.

Жумладан:

1. Молия вазирлиги бюджет ссудасини сўндириш учун миллий валютада 143,8 млрд.сўм, шундан асосий қарз учун 116,3 млрд.сўм маблағ ва унга ҳисобланган фоизлар учун 27,5 млрд.сўм йўналтирилади.

2. Миллий валютада Тижорат банклардан жалб қилинган кредитга 61,8 млрд.сўм шундан асосий қарзга 39,8 млрд.сўм ва кредитга ҳисобланадиган комиссия хизматлари ва фоизлари учун 22,0 млрд.сўм миқдорида белгиланган.

Хорижий валютада 53,19 млн АҚШ доллари, шундан асосий қарзга 28,06 млн АҚШ доллари миқдорида ва кредитга ҳисобланадиган комиссия хизматлари ва фоизлари 25,13 млн АҚШ доллари. миқдорида белгиланган.

Жумладан:

Тикланиш ва Тараққиёт халқаро банки (МБРР) қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами 7,8 млн АҚШ доллари миқдорида;

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами 10,73 млн.АҚШ доллари миқдорида;

Осиё тараққиёт банки (АБР) қайта кредитлаш шартномалари бўйича жами 16,4 млн.АҚШ доллари миқдорида;

Эксимбанк (Хитой) Ўзсаноатқурилишбанки томонидан қайта молиялаштирилган кредит шартномаси бўйича 2,72 млн АҚШ доллари миқдорида;

Жахон банки (ХТУ) кредит шартномалари бўйича жами 15,45 млн.АҚШ доллари миқдорида йўналтирилиши белгиланган.



Кредитлари тўғрисида маълумот (млн. АҚШ доллари)

T/P	Инвестиция лойиҳасининг номи	Жами 2025 йилда кутилаётган тўлов	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
	Жами (млн. АҚШ доларида)	53,19	4,78	1,20	16,87	0,55	2,32		4,71	1,75	17,49	1,20	2,32	-
	Миллий валютада (млрд.сўм)	205,56	8,93	8,40	24,41	8,86	8,20	24,04	8,64	8,00	23,48	21,34	24,05	37,23
	Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки	7,87	3,41	0,55	-	-	-	-	3,36	0,55	-	-	-	-
1	Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши	1,10	-	0,55	-	-	-	-	-	0,55	-	-	-	-
2	Талимаржон ИЭС — Сўғдиёна нимстанцияси 500 кВ хаво линияси ва Талимаржон ИЭСда 500кВ ОТҚ қурилиши	6,77	3,41	-	-	-	-	-	3,36	-	-	-	-	-
	Жаҳон банки	15,45	-	-	6,92	0,53	-	-	-	-	6,83	1,18	-	-
3	Магистрал тармоқларнинг нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш	10,49	-	-	5,29	-	-	-	-	-	5,20	-	-	-
4	Электроэнергетика секторини трансформация қилиш ва электрэнергияни барқарор узатиб бериш 6943	1,00	-	-	0,50	-	-	-	-	-	0,50	-	-	-
5	Электроэнергетика секторини трансформация қилиш ва электрэнергияни барқарор узатиб бериш 6944	2,25	-	-	1,13	-	-	-	-	-	1,13	-	-	-
6	Электроэнергетика секторини трансформация қилиш ва электрэнергияни барқарор узатиб бериш	0,92	-	-	-	0,46	-	-	-	-	-	0,46	-	-



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

7	Электроэнергетика секторини трансформация қилиш ва электрэнергияни барқарор узатиб бериш	0,73	-	-	-	0,07	-	-	-	-	-	0,67	-	
8	Электроэнергетика секторини трансформация қилиш ва электрэнергияни барқарор узатиб бериш	0,06	-	-	-	0,01	-	-	-	-	-	0,06	-	
Осиё Тараққиёт Банки		16,40	-	0,65	7,25	0,02	-	-	-	1,20	7,26	0,02	-	-
9	Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватига эга қуёшли фотоэлектр станцияси қурилиши	0,04	-	-	-	0,02	-	-	-	-	-	0,02	-	-
10	Тахиатош ИЭС — Хоразм кичик станцияси — Саримой аҳоли пункти 220 кВ ли электр узатиш линияси қурилиши (Хоразм вило)	14,51	-	-	7,25	-	-	-	-	-	7,26	-	-	-
11	“Магистрал тармоқ подстанцияларини модернизатсия ва реконструкция қилиш”	1,85	-	0,65	-	-	-	-	-	1,20	-	-	-	-
Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (Эксімбанк (ХХР) маблағлари		2,72	1,37	-	-	-	-	-	1,35	-	-	-	-	-
12	Сирдарё ИЭС — Янги Ангрен ИЭС оралиғида 500 кВ юқори кучланишли тармоқ қурилиши	2,72	1,37						1,35					
Европа тикланиш ва тараққиёт банки		10,73	-	-	2,70	-	2,32	-	-	-	3,40	-	2,32	-



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2025 йил учун бизнес-режаси

13	“Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли “Бесопан” ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш	4,60	-	-	-	-	2,30	-	-	-	-	-	2,30	-
14	Навоий ИЕС 220 кВ линия – 220 кВ «Бесопан» коммутация пункти “Мурунгов 500/220 кВ” нимстанциясининг 500 кВ ташқи тарқатиш мосламасини чақириш билан 500 кВ кучланишга ўтказиш.	0,03	-	-	-	-	0,02	-	-	-	-	-	0,02	-
15	500/220 кВли Мурунгов подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторларини ўрнатиш»	5,30	-	-	2,40	-	-	-	-	-	2,90	-	-	-
16	500 кВ Сарима-Жонкелди электр тармоғи қурилиши ва Бош ШЕС 500 кВ Навоий-Мурунгов янги электр тармоғи билан боғлиқ қиритиш-чиқариш тармоғи қурилиши	0,80	-	-	0,30	-	-	-	-	-	0,50	-	-	-
Бюджет сураси		143,80	3,54	3,02	19,05	3,50	2,98	18,80	3,47	2,96	18,48	16,44	19,19	32,37
“Ўзсаноатқурилиш банк млрд.сум		61,76	5,39	5,38	5,35	5,35	5,22	5,24	5,17	5,04	5,00	4,91	4,86	4,86



9. ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

2025 йилда “Ўзбекистон МЭТ” АЖда кутилаётган умумий ишловчи ходимлар сони 4 262 та ва иш ҳақи фонди ижтимоий солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда 609,4 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш тизими млн.сўм

№	Ишчи-хизматчилар	2024 й. (кутилаётган)				
		Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий)	шу жумладан:		
				Рағбат-ш хусусият эга тўловлар	Устама ва қўшимча ҳақлар	Меҳнат таътил чиқиши мун.бн қўш. ҳақ
** Жами		4 213	440 542	74 242	20 744	14 551
I.	Бошқарув органлари	12	3 803	650	82	54
1.	Кузатув кенгаши	7	354			
2.	Ижроия органи	5	3449	650	82	54
	<i>Ижроия органи раҳбари</i>	1	780	128	34	19
	<i>Ижроия орган аъзолари</i>	4	2 669	522	49	35
II.	Назорат органлари	2	528	113	0,0	20
	<i>Ички аудит</i>	2	528	113		20
III.	Саноат иш/чиқаришда	3 574	341 525	54 516	18 595	10 999
IV.	Маъмурий бошқарувда	595	92 696	18 277	1 520	3 411
V.	Носаноат ходимлари	30	1 990	686	547	67

№	Ишчи-хизматчилар	2025 й. (Режа)				
		Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий)	шу жумладан:		
				Рағбат-ш хусусият эга тўловлар	Устама ва қўшимча ҳақлар	Меҳнат таътил чиқиши мун.бн қўш. ҳақ
Жами		4 262	609 434	107 987	22 427	19 694
I.	Бошқарув органлари	12	8 759	1 118	0	0
1.	Кузатув кенгаши	7	3 814			
2.	Ижроия органи	5	4 946	1 118	0	0
	<i>Ижроия органи раҳбари</i>	1	1 089	236		
	<i>Ижроия орган аъзолари</i>	4	3 857	883		
II.	Назорат органлари	3	908	211	0	37
2.	<i>Ички аудит</i>	3	908	211		37
III.	Саноат иш/чиқаришда	3 620	459 998	77 573	20 550	15 140
IV.	Маъмурий бошқарувда	610	138 693	28 685	1 833	4 465
V.	Носаноат ходимлари	17	1 076	400	44	52



Изоҳ: ** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон фармони мувофиқ:

1. “Ўзбекистон МЭТ” АЖда жорий этилган ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозими билан тенглаштирилган;

2. Трансформация масалалари бўйича лойиҳа офиси жамиятда мавжуд тегишли бўлимлар билан ойлик иш ҳаққи ва харажатлари тенглаштирилган.

10. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

Жамиятимиз томонидан 2024 йилда давлат бюджетига 181,9 млрд.сўм миқдорида солиқ тўловларини амалга оширилиши кутилмоқда. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 0,3 млрд.сўм, Мол-мулксолиғи 71,5 млрд.сўм, Ерсолиғи 22,1 млрд.сўм ва Бошқа солиқлар 88,0 млрд.сўм.

2025 йилда давлат бюджетига 217,2 млрд.сўм миқдорида солиқ тўловларини амалга ошириш кутилмоқда. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 0,3 млрд.сўм, Мол-мулк солиғи 77,1 млрд.сўм, Ер солиғи 25,2 млрд.сўм ва бошқа солиқлар 114,6 млрд.сўм.

Жамиятнинг Давлат бюджетига тўловлар тўғрисида маълумот

(млрд.сўм)

№	Тўловлар	2024 й	2025 й	Шу жумладан			
		(кутилаётган)	(Режа)	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
Жами		181,9	217,2	54,29	54,29	54,31	54,31
1.	Эгри солиқлар,						
	<i>шу жумладан:</i>						
	<i>ҚҚС</i>						
	<i>Акциз</i>						
2.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ						
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,3	0,3	0,07	0,07	0,08	0,08
4.	Фойда солиғи						
5.	Мол-мулк солиғи	71,5	77,1	19,27	19,27	19,28	19,28
6.	Ер солиғи	22,1	25,2	6,3	6,3	6,3	6,3
7.	Айланмадан олинадиган солиқ						
8.	Давлат божи ва йиғимлар						
9.	Бошқа солиқлар	88,0	114,6	28,65	28,65	28,65	28,65



11. ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналар олдидаги ҳамда бошқа кредитор қарздорлик 2024 йил 1 январь ҳолатига жами 16 435,5 млрд.сўмни ташкил этган. 2025 йил 1 январь ҳолатига 1 207,2 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг “Худудий ЭТК” АЖ олдидаги дебитор қарздорлиги 2024 йил 1 январь ҳолатига 8 015,5 млрд.сўмни ташкил этган. 2025 йил 1 январь ҳолатига 1 775,1 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	йиллар кесимида			
		01.07.2023	01.01.2024	01.10.2024	01.01.2025
1.	Дебиторлик қарздорлик жами, <i>шу жумладан:</i>	6 047,3	8 015,5	1 889	1 775,1
	<i>муддати ўтган қарздорлик, шундан</i>				
2.	Кредиторлик қарздорлик жами, шу жумладан:	13 327,7	16 435,5	1584	1 207,2
	<i>муддати ўтган қарздорлик</i>				

ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР КЎРСАТКИЧЛАР ДИНАМИКАСИ

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	йиллар кесимида		
		01.01.2023 й.	01.01.2024й.	01.01.2025й.
1.	Дебиторлик қарздорлик	5 564,1	8 015,5	1 775,1
2.	Кредиторлик қарздорлик	11 626,3	16 435,5	1 207,2

Изоҳ: 2024 йил 1 июлдан бошлаб электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функцияси "Ўзэнергосотиш" АЖ томонидан ва магистрал электр тармоқларини эксплуатация қилиш функцияси "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан тўлиқ амалга оширилиши белгилаб берилганлиги сабабли, дебитор ва кредитор қарздорлик кўрсаткичлари "Ўзэнергосотиш" АЖ балансига ўтказилган.



12. САРФ ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2024 йилда 350,0 млрд. сўмлик сарф-харажатларни қисқартириш, иқтисод қилиш ва оптималлаштириш юзасидан прогноз режалаштирилган бўлиб, кутилаётган дастлабки ҳисоб-китобларга асосан амалда 354,0 млрд.сўм ёки режага нисбатан 101,1 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

Жумладан: Энергия ресурсларини тежаш (Ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳисобига 0,65 млрд.сўм; Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш ҳисобига 5,0 млрд.сўм; Хом-ашё ва материаллар учун харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 1,8 млрд.сўм; Харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларини оптималлаштириш ҳисобига 22,0 млрд.сўм; Инвестициялар лойиҳаларни мақбуллаштириш ҳисобига 303,2 млрд.сўм, Жамиятнинг носоҳавий ташкилотларни тасарруфдан чиқариш ҳисобига 12,8 млрд.сўм ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига 8,6 млрд.сўм иқтисод қилинишни кутилмоқда.

2025 йилда Жамият бўйича жами 350,0 млрд.сўм миқдорда сарф-харажатларни қисқартириш, иқтисод қилиш ва оптималлаштириш прогнозлаштирилмоқда.

13. СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ

Жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш (млрд.сўм)

2023-2024-2025 йилларда жамият молиявий фаолиятининг зарар билан яқунланиши режалаштирилганлиги сабабли соф фойда тақсимоти режаси ишлаб чиқилмади.

№	Йўналиш	2023 йил Амалда	2024 йил Кутилаётган	2025 йил Прогноз
	Соф фойда/ -зарар	-2 899,2	- 2 226,1	643,8

14. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юртувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва Низомига асосан “Ўзбекистон МЭТ” АЖ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоботлар ҳар чорақда Жамият кузатув кенгаши ижроия органлари томонидан тингланади ва амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумот ва ҳисоботлар Давлат активлари сайтига мунтазам жойлаштириб борилади.



Самардорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари

2025 йил учун самардорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари

№	АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	Солиштирма нисбат	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа
1	Товар маҳсулот хажми транспортировка (фоизда)		10	100%	10	100%	10	100%	5	100%
2	Соф фойданинг режага нисбатан бажарилиши		10	100%	10	100%	10	100%	10	100%
3	Сарф-харажатни камайтириш		25	100%	25	100%	25	100%	20	100%
4	Тўлов қобилияти коэффиценти	>1,25	15	1,25	15	1,25	15	1,25	15	1,25
5	Молиявий мустақиллик коэффиценти	>1	15	1,00	15	1,00	15	1,00	15	1,00
6	Инвестицион лойиҳаларни бажарилиши		25	100%	25	100%	25	100%	20	100%
7	Дивиденд ҳисоби								15	100%
Жами:			100		100		100		100	

№	ҚЎШИМЧА КЎРСАТКИЧЛАР	Солиштирма нисбат	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа	Мақсадли кўрсаткич	Режа
1	Ликвидлик коэффиценти	>0,2	10	0,2	10	0,2	10	0,2	10	0,2
2	Кредитор қарздорлик айланиши		5	90	5	90	5	90	5	90
3	Дебитор қарздорлик айланиши		5	90	5	90	5	90	5	90
4	Асосий воситалар эскириши	< 0,5	15	0,5	15	0,5	15	0,5	15	0,5
5	Асосий воситалар янгиланиш коэффиценти	< 0,2	15	0,2	15	0,2	15	0,2	15	0,2
6	Меҳнат унумдорлиги		20	180	20	360	20	540	20	720
7	Янги иш ўринлари		15	100%	15	100%	15	100%	15	100%
8	Кадрлар қўнимсизлиги коэффиценти	< 1	15	1	15	1	15	1	15	1
Жами:			100		100		100		100	



15. ХАРИДЛАР РЕЖАСИ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Харидлар трансформация офиси томонидан 2024 йилда 549,1 млрд.сўмлик харид белгиланган. Йил якунига қадар кутилаётган дастлабки ҳисоб-китобларга асосан амалда 30,0 млрд.сўм ёки режага нисбатан 136,0 фоизга кўп бажарилиши кутилмоқда. Жумладан:

Мукаммал ва жорий таъмирлаш 8,5 млрд.сўм, Капитал қурилиш ва модернизация дастури бўйича 12,0 млрд.сўм, Автотранспорт ва механизмлар бўйича 7,5 млрд.сўм, “ЭНЕРГО-ИТ” филиалининг ишлар ва хизматлар бўйича 1,5 млрд.сўм ва Канцелярия товарлари ва хўжалик моллари бўйича 0,5 млрд.сўм оптималлаштириш кутилмоқда.

Харидлар трансформация офиси томонидан 2025 йилда режага нисбатан 25,0 млрд.сўм миқдорда маблағ оптималлаштириш режалаштирилмоқда.

16. ХОДИМЛАР ВА ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ

Жамият фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган кадрлар сиёсати тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, у Жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун инсон ресурсларини (ҳодимларини) бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, бозорнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган малакали ва юқори самарали жамоа яратиш тизимини белгилайди.

Жамиятда энергетика тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш, ҳодимлар малакасини ошириш бўйича устивор вазифа ва талабларга мувофиқ аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Турли ўқув марказларида ҳодимлар малакаси мунтазам равишда ошириб борилади. Ҳар йили олий ўқув юртларида энергия тизими учун энергетика мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Энергетика соҳаси учун ёш, истиқболли кадрларни тайёрлаш мақсадида Жамият ўз ҳодимларини ўқитиш ва таълим олишлари учун маблағлар ажратмоқда. Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ёш истиқболли мутахассислар раҳбарлик лавозимларига ўтказилмоқда.

Бугунги кунда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ тизимидаги филиал ва таркибий бўлинмаларида 4,2 мингдан зиёд ҳодимлар фаолият юритмоқда. Уларнинг 35,9 фоизини олий маълумотли ҳодимлар, 64,1 фоизини ўрта ва ўрта махсус маълумотли ҳодимлар ташкил этади.

Шундан:

- раҳбарлар 384 нафар ёки 9,1%,
- мутахассислар 977 нафар ёки 23,1%,
- техник ҳодимлар 77 нафар ёки 1,8%,
- хизмат кўрсатувчи ҳодимлар 859 нафар ёки 20,4%,
- ишлаб чиқариш ҳодимлари 1 924 нафар ёки 45,6%.

Электр энергетикаси соҳаси учун 10 та маҳаллий олий таълим муассасалари, 4 та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, шунингдек 9 та ўрта махсус касб-хунар муассасалари кадрлар тайёрлаб бермоқда. Жамиятда 2025 йилда чет эл мамлакатларида 50 нафар раҳбар-ҳодимлар малакасини оширади ҳамда тажрибаси алмашилади. Жамият маблағлари ҳисобидан тўлов-контракти асосида 65 нафар ҳодимлар Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил



олада. Бундан ташқари ички имкониятлардан келиб чиқиб, жамиятнинг Ходимларни тайёрлаш марказида 310 нафар ходим учун малака ошириш ўқув курслари ташкил этилади.

Жамият ходимларини танлаш ва ишга қабул қилиш «Ўзбекистон МЭТ» АЖ да мутахассис-ходимларни танлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида 4 нафар, Банк-молия академиясида 2 нафар, Тошкент давлат молия Университетида 2 нафар магистратурада таълим олиши учун имкониятлар яратилади.

Энергетика тизимида ходимларнинг соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари, уларнинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича жамиятимизда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилади. Жамият таркибида 1 та тиббий санитария қисми мавжуд. Ушбу Тиббий санитария қисми томонидан ҳар йили ўртача 4 минг нафардан зиёд жамиятимиз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Тиббий санитария қисми кенг қамровдаги тиббий хизматларини тақдим этади. Масалан, ходимларга малакали терапевт, невропатолог, дерматолог, эндокринолог, гинеколог, уролог, лор, окулист, жарроҳ, стоматолог, УЗИ, рентген, қон таҳлили ва физиотерапия муолажалари бўйича олий даражадаги тиббий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

Шунингдек, “Тошкент шаҳар МЭТ” филиали таркибида “Учкун” спорт маскани фаолият юритади. Спорт масканида ходимларимизга ёзги ва қишки теннис кортларида, волейбол, баскетбол ва футбол майдонларида спорт билан шуғулланиб, соғликларини тиклашлари учун шароит яратилган.

Жамият бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғликларини тиклаш учун 2025 йилга қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

Республикадаги “Турон”, “Оқтош”, “Зомин”, “Чинобод” ва бошқа санаторий ва дам олиш уйларида 250 нафардан зиёд ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғликларини тиклаш;

Россия давлати, Кисловодск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаториясида “Малака ошириш-даволаниш” дастури бўйича 20 нафар ходимни дам олдириш;

Болаларни соғломлаштириш лагерларида 300 нафардан зиёд болаларни соғломлаштириш;

Бухоро, Самарканд, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларга саёхатларга 300 нафардан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини олиб бориш;

Йил давомида барча филиалларда шахмат, шашка, стол тенниси, минифутбол бўйича спорт мусобақалари ташкил этилади. Унда 500 дан зиёд ходимлар иштирок этишини таъминлаш.